

**М.М.Аликулова, Н.Х.Ҳакимов, Б.Н.Қурбоновлар томонидан  
тайёрланган “VIII-IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик  
лойиҳалаштириш методикаси” мавзусидаги услубий қўлланмага  
ТАҚРИЗ**

Муаллифлар томонидан тадқиқ қилинган масалаларнинг ҳозирги даврда баркамол авлод тарбияси билан узвий боғлиқлиги ва умумтаълим мактаби ижтимоий фан ўқитувчилари учун илмий аҳамиятга эга. Шунингдек, ўрганилган мавзу мактаб таълимининг модернизациялашуви шароитида юқори синф ўқувчиларига тарихимизнинг ўлмас саҳифалари, миллий ғоянинг тарихий, фалсафий илдизлари ҳақида маълумотлар беришда ижтимоий педагогик жиҳатдан услубий такомиллаштиришнинг долзарблиги ва унинг ечимида ижтимоий фанларнинг ўрни муҳимлиги билан белгиланади. Ижтимоий фанларнинг юқори синф ўқувчилари томонидан ўрганилишини янада такомиллаштириш зарурияти, ўқувчиларни миллий ғоя ва мустақиллигимизга содиқ инсонлар сифатида тарбиялашнинг муҳим бўлаги эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Илмий амалий лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган услубий қўлланма “Ўзбекистон тарихи”, “Иқтисодий билим асослари”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанлари мисолида амалга оширилганлиги унинг бевосита умумтаълим мактаблари фаолияти билан боғлиқлиги муҳим амалий аҳамият касб этишини кўрсатади.

Муаллифлар қўлланмада ушбу муаммонинг долзарблигини, унинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсати ва ундаги ислоҳотлар мазмуни билан чамбарчас ҳолда таҳлил қилганлар. Ушбу қўлланмада юқори синф ўқувчилари томонидан ижтимоий фанларни ўрганишларининг аҳамияти билан боғлиқлиги асосланган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган баркамол авлод тарбияси мақсадидан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчилари тарихимизнинг ёрқин саҳифалари ва қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган даврларини ўрганиши лозимлиги, тарихий тараққиётнинг муҳим босқичларини билишлари, уларга миллий ғоямизнинг мақсад ва вазифаларини ўрганишларига ёрдам берувчи илмий услублар ҳақида фикр юритганлар. Қўлланмада ўқувчилар томонидан иқтисодий